

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 77-ҳадис

77- عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ أَفْضَلُ مِنْ صَلَاةِ الْفَدِّ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

77. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Жамоат билан ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража афзалдир», деб айтдилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Муслмон кишини агар намози тўқис бўлмаса, Исломи қабул қилинмайди. Муайян сабабли киши намозини якка ўзи адо қилиши мумкин. Аммо жамоат намозининг савоби уйи ва дўконида ўқилган намозидан 27 марта даражаси ортиқдир. Муслмон киши ушбу савобдаги даражани яхши қадрлайди. Инсон қиёмат куни биргина бўлсада ажру савобга муҳтож бўлиб қолади. Энди 27 даража савобга эга бўлиш имконини қўлдпан чиқарадими? Ахир Аллоҳ битта яхшилиқни ўн баробардан 700 баробаргача кўпайтириб берилишини ваъда берганку? Ҳоҳлаган кишисига яна кўпайтириб бераверади. Илоҳим, ўша кунда ёмонликларимиз яхшилиқларимиз устидан ғолиб келмасин, акс ҳолда афсус-надомат фойда бермайдиган Кунда пушаймон бўлиб қоламиз.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Муслмон кишига нисбатан жамоат намозининг аҳамияти.
2. Муслмон киши жамоат билан намоз ўқишга ошиқади.
3. Жамоат намози муслмонларнинг бирдамлигининг намоен қилади.
4. Муслмон киши жамоат намозига чорлаб туришлари учун солиҳлар билан яқин муносабатда бўлади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI